



## ТАРЖИМА АСАРЛАРДА МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР

*Файзуллаев Муҳаммад Бакаевич - профессор БухДу  
Турсунпўлатова Мадина Шавкат қизи - БухДПИ  
“Ўзбек ва рус тиллари” кафедраси магистранти*

**Аннотация.** Мазкур мақола буюк рус шоири С.Есениннинг “Персидские мотивы” ҳамда шу асар таржимони Эркин Вохидовнинг “Форс тароналари” шеърӣй тўпламларининг қиёсий тадқиқи .

**Калит сўзлар.** Тил, маданият ориентатция, инноватция, миллий қадрият, рус ва ўзбек қадриятлари, асл ва таржима матн, қиёсий типологик.

**Аннотация.** Статья посвящена сравнительно-типологическому анализу сборника стихов С.Есенина «Персидские мотивы» и анализу перевода данного сборника на узбекский язык поэтом Эркином Вахидовым.

**Ключевые слова.** Язык, культурная ориентация, новаторство, национальная ценность, русские и узбекские ценности, оригинальный и переведенный текст, сравнительная типология.

**Annotation.** The article is devoted to a comparative typological analysis of the collection of poems by S. Yesenin “Persian Motifs” and an analysis of the translation of this collection into Uzbek by the poet Erkin Vakhidov.

**Key words.** Language, cultural orientation, innovation, national value, russian and uzbek values, original and translated text, comparative typology.

Тил - маданиятшуносликнинг марказий учлиги “тил - миллат ( миллий шахсга) - маданият ” - диққат марказида ва ушбу фан соҳасининг энг муҳим муаммоларини ҳал қилиши мумкин.”Маданият тил ва миллий маданиятнинг ўзаро боғлиқлиги ҳамда унинг тарихий қиймати, анъаналари, инноватцияси ва янгилигидир. Тил ва маданиятга мурожаат қилиш кўп асрлик анъанасига эга”[б.22]. Дунё адабиётшунослигида таржима асарларининг ўрни ўзгача, хусусан шеърӣятларда таржима воситалари жуда мураккаб ҳисобланади. Шунга қарамадан ўзбек шеърӣятида қалами ўткир таржимонлар талайгина. Ёзувчи ва шоирлар асосан ўз она тилларида асарлар яратишда ҳеч қандай тўсиқсиз раван ва ўқувчи қалбини ёритадиган сатрлар яратишади. Аммо бошқа тилларда яратилган поэтик асарларни таржима қилиши учун ўзга тилни ҳам мукамал билиши заруриятдир. Масалан дунёга таниқ даҳо таржимонлар сардори шоир Эркин Вохидов бу йўналишда буюк устоз ҳисобланади. Фикримиз далили сифатида



таникли рус шоири Сергей Есениннинг «Персидские мотивы»-«Форс тароналари»[б.14] шеърлар тўпламини таржима вариантыни яратди.Форс тароналари тўпламини ўқимаган киши бу асар ўзбек тилида яратилган деб ўзини ҳис этади.Бунинг сабаби рус шоирининг ҳар мисраларини таржима қилганда ўзбек маданиятига ёрқин бўлган мисралардан фойдаланилган. Эътибор қилинг

Сийла, мезбон, аммо ҳад билан,  
Боғинг аро турфа гуллар бор.  
Оқшом менга хижоб остидан,  
Дилбар кўзин сузмади бекор.

Россияда гулдай қизларни  
Қулдай тутқун сақламас эрлар,  
Сармаст этар бўса бизларни  
Беханжару бемакру безар

Рус адиби С.Есениннинг форс тароналари шеърлар тўпламидан олинган бу тўртлик ўқувчида она тилимиздаги шеърлар дастасидан олинган парча деб ҳис этади.Биринчи тўртликда келтирилган мисрадаги сўзлар бундан далилдир: ”оқшом менга хижоб остидан , дилбар кўзин сузмади бекор”.Шунингдек, шарқона ибo ва ҳаё маданиятимиз кўзгусидир .Иккинчи тўртлик мисраларида келтирилган адиб юртининг ўзига хос маданиятидан далолатдир:Сармаст этар бўса бизларни,Беханжару бемакру безар.С.Есенин ижодидаги “Форс тароналари” тўпламида турли тил вакилларининг маданияти ҳар томонлама қиёс қилинган .Маълумки ,ҳар бир миллат маданияти бебаҳо қадриятдир. Ўқувчининг ўзга юртга саёхати бошқаю, улар маданияти шеърий асарлар орқали танишиши ўз миллий маданиятига бўлган меҳру-муҳаббати янада ошади.Доно халқимиз эъзоз қилган ҳар бир урфу-одатларимиз буюк халқимиз бойлигидир .(Барча элат ва юрт фуқаролари учун ўз ватанинг бир сиқим тупроғи жавоҳирлардан қимматдир)Мақолада буюк шеърият адибларининг асарларини қиёслашда миллату-эллатларимизнинг бебаҳо миллий қадриятларига имон келтирамиз.Таржима вариантыни ўқиган ҳар бир киши бу тўртлик ўзбек шоирининг болаликка аталган шеъри деб тан олиши сўзсиздир.[б.3]Мазкур парчада аталган сўзлар шодаси ўтган ёшлик даврларини эслатади.

Йиллар ўтди, кетди болалик,



Ниҳоя йўқ армонларимга.  
Ёшликдаги шўхлик, оловлик  
Кўчди шеър дostonларимга

Асл ва таржима сатрларнинг деярли бир хил эканлиги ёшликдаги шўхлик барча миллатлар учун бир хиллигини намоён этади. Рус ва ўзбек миллий кадриятларини бир-бирига яқинлигини танланган сўзлар орқали баён этиш қийин эмас. Таржима матннинг эркин талқини эмас ва яъни унинг сўзма-сўз узатилиши ҳам эмас, балки асар мақсадини ҳамда ҳиссий таъсирини максимал даражада сақлаб қолган ҳолда ижодий кодлаш орқали, таржимон бадий асар яратади. Янги асар дейишимизга сабаб шундаки, оригинал асарни таржима қилиш учун бошқа тил вакилларининг маданиятини ҳам инобатга олиши керак. Бошқача қилиб айтганда таржимон ҳар иккала тилни муккамал билиши шарт. Шунингдек, ҳар иккала миллат маданияти билан таниш бўлиши керак.

Таржима жараёнининг бу босқичи ориентатция бирлиги деб аталади. Унинг учун мумкин бўлган шаклларни қидиришда вариантларни такрорий қидириш босқичидан сўнг мақсадли тилда онгли маъноларни оптимал тарзда ифодалаш Ушбу босқичда назарий қараганда, таржимон эквивалентлик бирликлари билан ишлайди, фикрлайди ва ўзи учун маъқул бўлган вариантларни бирида тўхтаб, нутққа, хабарга қўйиш матн таржима бирлик эквивалентлик микротрансляция жараёнининг тугалланганлигини билдиради, яъни бир бирликдан ўтиш бошқасига ўтқазидир. Фикримиз асоси сифатида С.Есениннинг қуйидаги мисраларини келтирамиз. [б.24]

Никогда я не был на Босфоре.  
Ты меня не спрашивай о нём.  
Я в твоих глазах увидел море,  
Полыхающее голубым огнём.  
Не ходил в Багдад я с караваном,  
Не возил я шёлк туда и хну.  
Наклонись своим красивым станом,  
На коленях дай мне отдохнуть.  
Или снова, сколько ни проси я,  
Для тебя навеки дела нет,  
Что в далёком имени – Россия –



Я известный, признанный поэт

Маълумки С.Есенин ҳеч қачон форса( Босфорда)бу шарқнинг шохоно юртида бўлмаганлигини тан олади.Унинг шарқга қилган саёхати унга чексиз ҳиссиётлар туйғусини келтирди.Ўзбек тилида ажойиб бир мақол бор:”Хар кимники ўзига ой кўринар кўзига” .Яъни ҳар бир давлат ва миллатларда ўзининг маданий қадриятлар бебаҳодир.Чунки маданият тилнинг ажралмас бир бўлаги .Келтирилган биринчи тўртлик шеър мисраларига эътибор берсак,мовий кўзларнинг қароғи ҳар кеч денгиз бўлиб кўринар менга

Мен Босфорда бўлмаганман ҳеч,  
Уни сўйлаб беролмам сенга.  
Лекин мовий кўзларинг ҳар кеч  
Денгиз бўлиб кўринар менга.

Юқорида келтирган асл ҳамда таржима мисраларда С.Есениннинг қанчалик форс маданияти урф одатлари бетакрор чиройли меҳмондўстлиги ижодкор шоирлари билан фахрланса ҳам, аммо у учун рус маданияти ҳамиша биринчи ҳисобланади ва ижодининг барчасида рус маданияти намоёндыр.Жумладан,денгиз сифат мовий кўзлар адиб учун бетакрор хуснга эга .Машҳур ўзбек тили шеърляти даҳоларидан бири бўлган Э.Воҳидов С.Есенин шеърларини таржима қилганда шу даражада маънолар кўламини кўрсата олган.Қаранг:

Шафқат айла, жонгинам, дерман,  
Ҳам қилурман қанча илтижо,  
Россияда машҳур шоирман,  
Нечун зарра қилмайсан парво?!

Мисралар якунида ҳам сўроқ белгиси ҳам ундов белги қўйилган мана шу икки тиниш белгиси орқали бегона маданият чуқур ўрганиш учун қатор саволлар келтиради.Ўзга маданият билан ҳамоҳанглигини эса фахрлаб куйлаган.Бу оламда йўқотишлар ичидаги энг оғири ўзлигини йўқотишидир. Одамзод тафаккур ва эҳтирос, руҳият ва имон дунёсида яшайди. У юрагидаги эътиқод билан, ишонч билан тирик ва бутун. Шоир ёзади: «Барча истеъдодлар каби шоирлик истеъдоди ҳам туғма бўлади ва болалиқдан ўзини намоён этади. Бу кундуздек равшан,



ҳақиқатнинг ўзидек аён. Туғма истевдод эгаси бўлмаган, шеъриятга ҳавас туфайли адабиётга кириб қолганлар умр бўйи ҳаваскор бўлиб қоладилар» («Санъат ва тафаккур» мақоласи). «Ижодкор нафас оладиган ҳаво – адабий муҳитдир. Бу ҳаво тоза, мусаффо бўлмоғи керак». (Э.Воҳидов фикри). Шу ўринда бағоят ибратли бўлгани боис Э.Воҳидов мақоласидан олинган бир ривоятида шундай деган : [Баходир Карим б.7]«Ривоят қиладиларки, Нуширвони одил шоирларни ҳузурига чақириб айтибди: «Бу не бетавфиқликки, сиз шоирлар мендек одил шоҳ даврида ёлғон шеърлар ёзасизлар? Ҳеч замонда ошиқнинг оҳу фиғони саҳрога ўт қўядими? Қиз боланинг киприги ўқ бўлиб ошиқ йигитнинг кўкрагига санчилармиш. Бу гапга ким ишонади? Хуллас, шу бугундан бошлаб ким ёлғон шеър ёзса боши дорда, мулки талонда».Шу фармондан кейин узоқ вақт ҳеч ким шеър ёзмай қўйди. Ниҳоят бир шоир шундай шеър ёзди:

Тонг отса юлдузлар сўнар осмонда,  
Хўрозлар қичқирар Мозандоронда.  
Халафда кечкурун қуёш ботади,  
Кечаси одамлар ухлаб ётади.

Нуширвони одил ҳеч бир ёлғони йўқ, бошдан-охиригача ҳақиқат бўлган ушбу шеърни ўқиб елкасини қисди, бошини қашлади ва яна фармон берди: «Шоирлар ўша ўзининг ёлғонини ёзаверсин».Тўғрисиўзлик асар бадийлигини таъсирсизликка етаклайди .Чунки шеъриятда бадийликнинг ўрни бошқача шунинг учун китобхонларга таъсирчанлик ҳар бир шеърни нуфузини оширади.Кўзланган мақсадларимизга етиш учун буюк шарқона шеъриятнинг таъсиру қудрати унинг сўз шакллари таллашда бевосита боғлиқдир.С.Есениннинг форс ҳақидаги шеърларидан бирида шундай деб ёзади.

Мужазгина мақоламизни якунида шуни эътироф этишимиз керакки,маданият ва тил бир- биридан ажралмас бирликдир.Бошқача қилиб айтганда, тил маданият кўзгуси ,элчиси тил маданият заминида ўсади ва унинг зарҳал меваларидан баҳра топади.Тилимизнинг бетакрорлиги ширину асаллиги маданият чашмасидан суғорилганлигидир.Мақолада қиёсий типологик йуналишида таҳлил қилинган рус шоири С.Есениннинг “Персидские мотивы”ва унинг таржимасидаги шеърини мисралар асл ва таржима вариантларида маънолар кўлами деярли бир хиллик кашф этган.Таржимадаги тафовутлар асар камчилиги эмас ва балким ҳар бир тилнинг маданияти боғлиқдир .Шунингдек ,шарқона ва европа тарбия ўчоқлари ўзига хос чўх ва алангага эга.



**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. В.В. Воробьев «Лингвокультурология» Москва «Издательство Российского университета дружбы народов» 2006г
2. Эркин Вохидов “Форс тароналари” Тошкент "Янги аср авлоди" 2007й
3. Сергей Есенин “Персидские мотивы” Москва “Современная Россия” 1925г.
4. Баходир Карим “Адабий фикр жавhari” <https://kh-davron.uz/kutubxona/uzbek/bahodir-karim-adabiy-fikr-javhari.html>
5. [www.ziyouz.com](http://www.ziyouz.com).
6. ”Литература о жизни и творчестве” библиографический справочник//1921-2014гг
7. Абдуллаев Е. Тихий классик//Дружба народов-2009-№7-С.181-182